

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКСУДОВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ АБСЦЕСС ВА ФЛЕГМОНЛАРИДА ВИРУСЛИ  
ГЕПАТИТ «В» БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНГАН ДАВОЛАШНИ ҚАЙТА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21- Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Максудов Дилшод Давронович**

Юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмонларида вирусли гепатит «В» билан касалланган беморларда патогенетик асосланган даволашни қайта такомиллаштириш..... 3

**Максудов Дилшод Давронович**

Разработка патогенетической обоснованной комплексной терапии абсцессов и флегмон челюстно – лицевой области у больных, перенесших вирусный гепатит «В»..... 23

**Maksudov Dilshod Davronovich**

Development of pathogenetically grounded complex therapy of abscesses and phlegmons of the maxillofacial region in patients with viral hepatitis B..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publised works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКСУДОВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ АБСЦЕСС ВА ФЛЕГМОНЛАРИДА ВИРУСЛИ  
ГЕПАТИТ «В» БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНГАН ДАВОЛАШНИ ҚАЙТА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21- Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.3.PhD/Tib1438 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хасанов Адҳам Ибрагимович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Кубаев Азиз Сандолимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Шариф Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон Давлат тиббиёт Университети.**

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/05.06.2020 Tib.102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «6» март куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси/18 уй. Тел/факс: (+99866) 233-07-66).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ёсон билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66;

Диссертация автореферати 2025 йил «6» март да тарқатилди.

(2025 йил «6» март даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси).**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларининг кенг тарқалганлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат мазкур касалликларнинг юқори даражада тарқалиши, оғир асоратлар ривожланиш хавфи ва ўлим эҳтимоли билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «2022 йилга келиб юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларнинг улуши тахминан 10-20 фоизни ташкил этиб, уларнинг 60 фоиздан ортиғи ихтисослаштирилган тиббий ёрдам олмақда»<sup>1</sup>. Эпидемиологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, юз-жағ соҳаси флегмонаси ва абсцесси мавжуд бўлган "В" вирусли гепатит билан оғриган беморлар сони барча беморларнинг 5 фоизидан кўпроғини ташкил этади.

Дунё микёсида юз-жағ соҳаси абсцесси ва флегмонаси фонида иммунитет танқислиги вирусли гепатит "В" билан касалланган беморларни комплекс ташхислаш усуллари ва жарроҳлик даволашнинг мақбул тактикасини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан вирусли гепатит "В" билан оғриган беморларда юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини ташхислашга, даволаш усулларини оптималлаштириш, касалликни даволашдан кейинги асоратларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва даволашнинг энг мақбул усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан ошириш ва уларнинг турларини сезиларли даражада кенгайтириш мақсадида кенг қамровли, аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилмоқда. Бугунги кунда янги замонавий технологиялар амалиётга жорий этилаётганига қарамай, вирусли гепатит "В" ўтказган беморларда юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг илмий асосланган терапевтик ва диагностик алгоритмларини яратиш, оптимал даволаш усуллари танлаш, уларни қўллашнинг мақбул муддатларини аниқлаш ҳамда даволаш натижаларини баҳолаш юз-жағ жарроҳлиги амалиётида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо бўлиб қолмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, шунингдек, 2022 йил 25 апрелдаги ПФ-215-сон "Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган тиббий ёрдам

---

<sup>1</sup> WHO. World health statistics, 2023

кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>2</sup>ги Фармони ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг энг истиқболли усулларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Бироқ, уларнинг барчаси қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган: беморларда цитокин тизимининг ҳолатини ўрганиш ва аниқлаш, уларнинг яллиғланиш хусусиятига эга посттравматик асоратлар ривожланишидаги ролини текшириш ҳамда юз-жағ соҳасидаги (ЮЖС) йирингли-яллиғланиш жараёнининг патогенезини тадқиқ этиш (Peleg M., Sawatari Y., 2020; Kokemueller H., 2021).

Жаҳон тадқиқотларида юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш жараёнлари натижасида ривожланадиган асоратларнинг тарқалиши ва интенсивлиги алоҳида ўрганилади. Аммо гепатит “В” билан оғриган беморларга бирламчи стоматологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш ва комбинацияланган комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадқиқотлар ҳали етарли даражада ўрганилмаган (Сотникова М.В., Кузмина Е.В., Андрюшенкова Н.А., Коротченкова Н.С. 2018; Гударян А.А., Юнкин Я.О., Идашкина Н.Г., 2019; Паскова Е.В., 2019).

Мамлакатимизда сурункали гепатит "В" билан касалланган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарининг клиник белгиларини эрта аниқлаш, текшириш ва даволаш усуллари такомиллаштириш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилди. Турли тадқиқотлар натижаларига кўра, эрта йирингли-яллиғланиш асоратларидан энг кўп учрайдиган ҳолатлари: абсцесслар - 58%, флегмоналар - 21%, яллиғланиш инфильтрати - 13%, лимфаденит - 8% ва жароҳатдан кейинги остеомиелит - 21% ни ташкил этади. Асоратларнинг ривожланиши беморларнинг шифокорга кеч мурожаат қилиши, ижтимоий мослашувнинг паст даражаси, шунингдек, ташхис қўйишдаги хатолар билан боғлиқ (Азимов М.И., 2016; Sanders B. 2018, Рахимов З. К. 2019, Байходжаева Э.Б., Хасанов А.И., 2020). Сурункали гепатит билан оғриган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесси ва флегмонасини даволаш бўйича янги илмий натижалар қўлга киритилди (Шомуродов К.Е., Рахматуллаева О.У., 2022).

Сурункали вирусли гепатит "В" билан оғриган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесслари ва флегмоналарини комплекс даволашнинг мақбул усуллари танлашга ёрдам берадиган ушбу муаммоларни ҳал этиш соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

Юқорида айтилганлардан келиб чикиб, сурункали вирусли гепатит "В" билан оғриган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарини ташхислаш мезонларини қайта кўриб чиқиш, касаллик асоратларининг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш имконини беради. Бу эса консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари янада такомиллаштириш имконини яратади.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № 617.52-001-0970-08 -сонли "Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморлар учун, замонавий диагностика, даволаш ва реабилитация усуларини ишлаб чиқиш." (2020-2024) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** вирусли гепатит "В" билан касалланган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарини даволашнинг патогенетик асосланган комплекс чора тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

вирусли гепатит "В" билан касалланган ва гепатит "В" бўлмаган беморларнинг юз-жағ соҳасида юзага келган абсцесс ва флегмоналарининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

юз-жағ соҳасида одонтоген йирингли-яллиғланиш касалликлари мавжуд бўлган барча текширилаётган беморларнинг клиник-лаборатория таҳлилларини ўрганиб чиқиш;

вирусли гепатит "В" ўтказган беморларда одонтоген абсцесс ва флегмоналарни УДХК ва азоксимер бромид ёрдамида даволаш самарадорлигини баҳолаш;

вирусли гепатит "В" ўтказган беморларда одонтоген абсцесс ва флегмоналарни патогенетик даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг юз-жағ жарроҳлиги бўлимида 2018-2023 йиллар давомида кузатилган, юқори ва пастки жағнинг юмшоқ тўқималари ҳамда бўйин соҳасига тарқалган одонтоген абсцесс ва флегмонага чалинган 127 нафар бемор олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник ва биокимёвий текширувлар учун олинган беморларнинг қон таҳлиллари ҳамда микробиологик текширувлар учун намуналардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу тадқиқотда умумклиник, лаборатория, биокимёвий, микробиологик, иммунологик, инструментал (УТТ) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарни, ҳамроҳ сурункали вирусли гепатит "В" билан касалланган беморларда клиник-лаборатор таҳлил

ўтказилганда йирингли яллиғланиш жараёнлари сурункали вирусли гепатит “В” билан оғримаган беморларга нисбатан оғирроқ кечиши аниқланган;

сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда, сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланмаган беморларга нисбатан юз-жағ соҳаси одонтоген абсцесс ва флегмоналарида патоген стрептокок ва стафилококклар микдори 20%, Escherichia - 16%, Candida замбуруклари-12%, пептострептококклар вакиллари микробларнинг кўпайиши аниқланган ва декаметаксин антисептик эритмаси билан маҳаллий даволаш самарадорлиги исботланган;

сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда одонтоген абсцесс ва флегмоналарни даволашда, гепатопротектор – УДХК ва иммуномодулятор - азоксимер бромид таъсир кўрсатадиган дори воситасини кўшимча қўллаш орқали комплекс даволаш усуллари такомиллаштирилган;

юз-жағ соҳасининг абсцесс ва флегмоналарида ҳамроҳ касаллиги сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларни комплекс даволашда УДХК ва азоксимер бромиддан фойдаланиш жигар хужайралари функциясини тикланиши, гепатоцитларнинг қаршилигини ошириши, гуморал - тўқима иммунитет ва қоннинг яллиғланиш субстрати кўрсаткичларини сезиларли даражада тикланиши патогенетик жиҳатдан асосланган ва даволаш усуллари такомиллаштирилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олинган илмий натижалар асосида вирусли гепатит “В” билан касалланган, одонтоген флегмона ва абсцессли беморларда операциядан кейинги турли асоратларнинг олдини олиш усули қўлланилди.

одонтоген абсцесс ва флегмоналарни даволашда, шунингдек сурункали вирусли гепатит “В” билан оғриган беморларда, анъанавий усулга кўшимча равишда гепатопротектор (УДХК) ва иммуномодулятор (азоксимер бромид) қўлланган ҳолда комплекс даволаш усули таклиф этилган;

касалликнинг клиник шаклига қараб асоратларнинг олдини олиш, жарроҳликдан кейинги даврнинг давомийлиги ва оғирлигини камайтириш, ҳамда тикланиш муддатларини қисқартириш мақсадида янги даволаш усулини қўллаш таклиф этилди.

вирусли гепатит “В” ўтказган беморларда одонтоген абсцесс ва флегмонани даволаш самарадорлиги таклиф этилган даволаш алгоритми туфайли яхшиланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар ўтказилган изланишларнинг услубий тўғрилигини, танланган беморлар сонининг етарлилигини, замонавий усулларнинг қўлланилганлигини ҳамда уларнинг клиник, лаборатория, инструментал, жарроҳлик ва статистик тадқиқот усуллари билан ўзаро тўлдирилишини тасдиқлайди. Сурункали вирусли гепатит “В” касаллигини бошдан кечирган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарини даволашга қаратилган тадбирларнинг ноёблиги халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилган бўлиб, бу ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган хулосалар ва натижалар билан асосланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий соматик патология фонида беморларни комплекс текшириш натижаларини юкламасини хирургик даволаниш муддатларни камайтиришга қаратилган, даволаш режасини тузишда ҳамда яқин ва кечиктирилган муддатларда барқарор даволаш натижасини таъминлашда ҳисобга олиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, олинган натижалар асосида операциядан кейинги даврнинг давомийлиги ва оғирлигини камайтириш ҳамда касалликнинг клиник кечишига мувофиқ даволаш усули ва жигар химояловчи воситаларни тўғри танлашда табақалаштирилган ёндашув таклиф этилди.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 2024 йил 8 июлдаги 02/11- сон ҳулосасига кўра:

**биринчи илмий янгилик:** юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарини, ҳамроҳ сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда клиник-лаборатор таҳлил ўтказилганда, йирингли яллиғланиш жараёнлари сурункали вирусли гепатит “В” билан оғирмаган беморларга нисбатан оғирроқ кечиши аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Беморларни даволаниш жараёнида одонтоген абсцесс ва флегмоналар билан бетоб беморларни ҳамроҳ касаллиги гепатит “В” булган беморлар гуруҳдаги умумий ва маҳаллий клиник белгилари назорат гуруҳга нисбатан 3,4 ва 3,3 баравар яллиғланиш жараёнини баландлиги курсатди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар 7- сон клиник шифохонаси бўйича буйруқ (11.05.2024 й.; № 107);) ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (11.03.2024 й; № 520-7-107-ТВ/2024) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган илмий натижалар асосида гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген флегмоналарнинг операциядан кейинги турли хил асоратларни олдини олиш услуби тадбиқ этилган; *Иқтисодий самарадорлиги:* биз томонимиздан илк бора УДХК препаратининг кулланилиши даволаш самарадорлиги ошиши ҳисобига касалликни даволашга кетадиган умумий сарф харажатни камайтириш ҳисобига эришилди. Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонаси ва Тошкент шаҳар 7-сон шаҳар клиник шифохонаси 2022 йилдаги прејскуранти бўйича 10 кун даволаниш учун 1млн. 100 минг сўм тўлов мавжуд бўлиб, биз томондан таклиф этилган даволаш усулига 800 минг сўм сарфланади. 300 минг сўм тежалади. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш:* гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген флегмоналарни даволаш бўйича илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Вирусли гепатит “В” билан оғриган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналарининг клиник кўриниши” услубий тавсиялари тасдиқланди (сертификат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда 8н-р/383-сон билан тасдиқланган). Илмий натижаларнинг жорий этилиши гепатит «В» нинг одонтоген абсцесс ва флегмонлари билан бирга

кечишини эрта ташхислаш ва даволаш, беморларда асоратларнинг олдини олиш ва ривожланишни имконини берган;

**иккинчи илмий янгилик:** сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда, сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланмаган беморларга нисбатан юз-жағ соҳаси одонтоген абсцесс ва флегмоналарида патоген стрептококк ва стафилококклар микдори 20%, Escherichia - 16%, Candida замбуруқлари-12%, пептострептококклар вакиллари микробларнинг кўпайиши аниқланган ва декаметаксин антисептик эритмаси билан маҳаллий даволаш самарадорлиги исботланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти* одонтоген абсцесс ва флегмоналарни даволашда, ҳамроҳ касаллиги сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда анъанавий даволаш усулига гепатопротектор – УДХК ва иммуномодулятор - азоксимер бромид таъсир кўрсатадиган дори воситасини қўшимча қўллаш орқали комплекс даволаш тадбирлари таклиф қилинган; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар 7- сон клиник шифохонаси бўйича буйруқ (11.05.2024 й.; № 107);) ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (11.03.2024 й.; № 520-7-107-ТВ/2024) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* беморларда комплекс даво таҳлили шаклланиши ва ривожланишининг сабаби сифатида биз даво этган антисептик восита декаметоксин эритмаси ҚВПларида ва поликлиникаларда хирург стоматологларга амалий тавсия сифатида тавсия этилганлиги ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган асоратлар олдини олиш имконини берган, бу ўз навбатида профилактика чора тадбирлари тиббий-ижтимоий самарадорлигини ошириш эвазига хирургик стоматологик касалликлар камайишига ва ижтимоий ҳолат яхшилашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* биз томонимиздан илк бора УДХК ва азоксимер бромид препаратлари ва антисептик сифатида декаметоксиннинг кулланилиши даволаш самарадорлиги ошиши ҳисобига касалликни даволашга кетадиган препарат умумий сарф харажатни камайтириш ҳисобига эришилди. Декаметоксин препаратининг микроорганизмларга универсал(бактериялар, замбуруғлар, вируслар) таъсир этиши оғир асоратларнинг олдини олинишига эришилди ва беморлар стационар койка кунларини одатдаги 10-12 кундан 8-10 кунгача қисқаришига олиб келди. 10 кунлик койка кунлари Тошкент 7- сон клиник шифохонаси ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ўртача ҳисобланиб, 1 100 000 сумдан 700 минг сўмгача қисқариши аниқланди. 400 минг сўм тежалди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш:*гепатопротекторлардан фойдаланган ҳолда гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген флегмонларни даволашнинг такомиллаштирилган усули асосида ишлаб чиқилган “Урсосан форте” препаратининг вирусли гепатит “В” билан оғриган беморларда юз-жағ флегмонларини даволашда самарадорлиги" услубий тавсиялари ишлаб чиқилган (сертификат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 20.06.2022 № 8н-р/648). Илмий натижаларнинг жорий этилиши гепатит “В” дан кейин сурункали одонтоген флегмонларни даволаш усуллариини такомиллаштириш ва беморларни реабилитация қилиш сифатини оширишга хизмат қилган;

**учинчи илмий янгилик:** сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда одонтоген абсцесс ва флегмоналарни даволашда, гепатопротектор – УДХК ва иммуномодулятор - азоксимер бромид таъсир кўрсатадиган дори воситасини қўшимча қўллаш орқали комплекс даволаш усуллари такомиллаштирилган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* касалликнинг клиник шаклига кўра асоратларнинг олдини олиш, жарроҳлик амалиётдан кейинги даврнинг давомийлиги ва оғирлик даражасини камайтириш, реабилитация муддатларини қисқартириш учун янги даволаш тактикасини қўллаш таклиф қилинган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар 7- сон клиник шифохонаси бўйича буйруқ (11.05.2024 й.; № 107);) ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (11.03.2024 й.; № 520-7-107-ТВ/2024) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* беморларда сурункали вирусли гепатит “В” касаллиги билан касалланган ва юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналари бўлган беморларда йирингли яллиғланиш жараёнининг асосий омиллари анамнези тўлиқ йиғилиб ўрганилди ва биз томондан таклиф этилган даволаш алгоритми беморлар тез тузалиш, койка кунлари қисқариши, шифохонага келиб кетиш сарф харажатларининг камайиши ва турмуш ва ижтимоий шароитларини яхшиланишига олиб келди. *Иқтисодий самарадорлиги:* беморларимизга биз томондан тавсия этилган комплекс даво чораси сифатида тавсия этилиши, келажакда қиммат даволанишни тежашга имкон берган. УДХК препарати ва гептрал препарати 1 ойлик куллаш вақтда кетган сарф харажатлар, УДХК препаратини қўллаш 1100000сумга арзон эканлиги аниқланди ва биз томондан таклиф этилган текширувга 270минг сўм сарфланади. 900 минг сўм тежалди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш:* гепатопротекторлардан фойдаланган ҳолда гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген флегмонларни даволашнинг такомиллаштирилган усули асосида ишлаб чиқилган “Урсосан форте” препаратининг вирусли гепатит “В” билан оғриган беморларда юз-жағ флегмонларини даволашда самарадорлиги” услубий тавсиялари ишлаб чиқилган (сертификат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 20.06.2022 № 8н-р/648). Илмий натижаларнинг жорий этилиши гепатит “В” дан кейин сурункали одонтоген флегмонларни даволаш усуллари такомиллаштириш ва беморларни реабилитация қилиш сифатини оширишга хизмат қилган;

**тўртинчи илмий янгилик:** юз-жағ соҳасининг абсцесс ва флегмоналарида хамроҳ касаллиги сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларни комплекс даволашда УДХК ва азоксимер бромиддан фойдаланиш жигар хужайралари функциясини тикланиши, гепатоцитларнинг қаршилигини ошириши, гуморал - тўқима иммунитет ва қоннинг яллиғланиш субстрати кўрсаткичларини сезиларли даражада тикланиши патогенетик жиҳатдан асосланган ва даволаш усуллари такомиллаштирилган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* одонтоген абсцесс ва флегмоналарни хамроҳ касаллиги сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда шошилиш ихтисослаштирилган ёрдами ташкил этиш бўйича таклиф этилган алгоритм орқали беморларни даволаш самарадорлиги яхшиланган. *Илмий янгиликнинг*

*амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар 7- сон клиник шифохонаси бўйича буйруқ (11.05.2024 й.; № 107);) ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (11.03.2024 й; № 520-7-107-ТВ/2024) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* асосий гуруҳ беморларимизга биз томонимиздан тавсия этилган комплекс патогенетик асосланган даволаш алгоритми беморлар эрта вақтларда тузалиши ва оилавий ва ижтимоий ҳолати яхшиланганлиги кузатилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналари ва ҳамроҳ касаллиги сурункали гепатит “В” бўлган беморларда биз томондан тавсия этилган даво препаратларининг нисбаттан камҳаржлиги ва тавсия этилган даволаш алгоритми эффективлиги стационар ётиб даволаниш кунларининг сезиларли қисқариши унинг юз-жағ жарроҳлиги амалиётида қўлланилиши, бир нафар бемор 10 кунлик койка кунлари Тошкент 7- сон клиник шифохонаси ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ўртача ҳисобланиб, 1100000сумдан 700минг сўмгача қисқариши аниқланди. 400 минг сўм тежалди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш:* гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген флегмоналарни даволаш бўйича илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Вирусли гепатит “В” билан оғриган беморларда юз-жағ соҳаси абсцесси ва флегмонанинг клиник кўриниши” услубий тавсиялари тасдиқланди (сертификат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда 8н-р/383-сон билан тасдиқланган). Илмий натижаларнинг жорий этилиши гепатит “В” нинг одонтоген абсцесс ва флегмонлари билан бирга кечишини эрта ташхислаш ва даволаш, беморларда асоратларнинг олдини олиш ва ривожланишни имконини берган ва гепатопротекторлардан фойдаланган ҳолда гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген флегмонларни даволашнинг такомиллаштирилган усули асосида ишлаб чиқилган “Урсосан форте” препаратининг вирусли гепатит “В” билан оғриган беморларда юз-жағ флегмонларини даволашда самарадорлиги” услубий тавсиялари ишлаб чиқилган (сертификат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 20.06.2022 № 8н-р/648). *Илмий натижаларнинг жорий этилиши:* ишлаб чиқилган даволаш усуллари гепатит “В” билан оғриган беморларда одонтоген абсцесс ва флегмоналарни ташхислаш ҳамда даволашни яхшилашга ёрдам беради, шунингдек беморларни тикланиш жараёни сифатини оширади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий конференцияларда, жумладан 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ ифодаланган, объектлар ва тажриба мавзулари тавсифланган. Шунингдек, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юз-жағ соҳаси ўткир йирингли-яллиғланиш касалликларининг тарқалиши, этиологияси ва патогенези бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзусига оид илмий ишлар кўриб чиқилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг сўнгги ютуқлари таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда жигар касалликлари, айниқса сурункали гепатит “В” фонида кечувчи юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларининг тарқалиши, сабаблари ва клиник кўринишлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар шарҳлари нашр этилган. Мавжуд ташхис ва даволаш усуллари, уларнинг натижалари тасвирланган бўлиб, бу соҳада янада чуқурроқ тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг хусусиятлари, шунингдек, қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминловчи усуллар ва методологик ёндашувлар баён этилган. Биокимёвий, микробиологик ва клиник-функционал тадқиқот усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. Бўлимда барча беморлар режалаштирилган ва шошилиш ёрдами олишган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида 2008-2018 йиллар давомида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси юз-жағ жарроҳлиги бўлимида 1140 та касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Шулардан 85 нафари юз-жағ соҳасининг одонтоген абсцесслари ва флегмоналари билан вирусли гепатит “В” ўтказган беморлар, қолган 1055 нафари эса гепатит “В” касаллигига чалинмаган беморлардир.

Иккинчи босқичда 127 нафар беморга ёрдам кўрсатилди. Улардан 77 нафари сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланмаган назорат гуруҳини, 50 нафари эса вирусли гепатит “В” ўтказган асосий гуруҳни ташкил этди. Беморларнинг клиник текшируви уларнинг дастлабки мурожаати пайтида, сўнгра даволашнинг 1-, 5-, 10-кунларида ва касалхонадан чиқиш вақтида ўтказилди. Касалликнинг умумий манзарасини баҳолаш ва яллиғланиш жараёнининг кечишидаги ўзгаришларни кузатиш учун биз ишлаб чиққан балл тизими қўлланилди. Бу тизимнинг умумий қийматлари касалликнинг оғирлик даражасига мос келарди.

Ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши беморларнинг касалхонага ётқизилгандаги ҳолатини ва ўтказилган даволашнинг боришини ҳолисона баҳолаш имконини берди. Умумий клиник текширув қуйидагиларни ўз ичига


олди: коннинг кенг қамровли клиник таҳлили, ОИВ, HbsAg, HCV, RW учун қон таҳлили, қон гуруҳи ва резус-омилни аниқлаш, ортопантограмма, кўкрак қафаси рентгенографияси, электрокардиограмма, йирингли ажралманинг бактериологик текшируви, антибиотикларга сезувчанлик. Жигарнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун қон зардобдаги АсАТ ва АлАТ цитолитик ферментлари ҳамда билирубин фаоллиги (г/л) ўрганилди ва функционал усуллардан жигарнинг ультратовуш текшируви ўтказилди. Шу билан бир вақтда иммунологик текширув ўтказилиб, сўлак таркибидаги иммуноглобулин А нинг секретор фракцияси, лизоцим ва нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги аниқланди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Windows дастурий таъминоти ёрдамида ўтказилди. Ўртача қийматларни таққослаш орқали олинган ўлчовларнинг статистик аҳамиятлилигини аниқлаш учун Студент мезони бўйича тақсимотнинг ўртача қийматини текширишда хатолик эҳтимоли  $P < 0,05$  бўлган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларда юз-жағ соҳасидаги йирингли яллиғланишни ўрганиш натижалари»** деб номланган учинчи бобида ретроспектив тадқиқотнинг биринчи босқичида 2008-2018 йиллар давомида 1140 нафар беморнинг касаллик тарихи таҳлил қилинган. Ретроспектив таҳлилда беморлар икки гуруҳга ажратилди: вирусли гепатит “В” билан бирга кечувчи касаллиги бўлмаган беморлар ва одонтоген абсцесслар ҳамда флегмоналарда вирусли гепатит “В” билан касалланган беморлар. Иккинчи гуруҳ беморларда ёндош касалликлар 2-2,5 баробар кўпроқ учрагани аниқланди. Шундан кўриниб турибдики, вирусли гепатит “В” билан касалланган беморларда одонтоген йирингли яллиғланиш жараёнларида преморбид омиллар ва жигар ҳолати ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ҳар иккала гуруҳдаги йирингли-яллиғланиш жараёнларини баҳолаш учун ахборот диагностика картасидан фойдаландик. Касалликнинг ўткир босқичида бемор қабул қилинган, унинг ахволи ўртача ёки оғир бўлиб, тана ҳарорати  $38,0^{\circ}\text{C}$  дан юқори эди. Бемор ҳолсизлик, безовталиқ, иситма ва уйқу бузилишидан шикоят қиларди. Текширув пайтида маҳаллий клиник белгилар жараённинг тарқалиши ва ҳамроҳ касалликка боғлиқ ҳолда кечаётган йирингли ҳолатни акс эттирарди. Касалликнинг 1-, 5- ва 10-кунларида жағдаги оғриқ, маҳаллий юмшоқ тўқималардаги оғриқли шишлар, шиш атрофининг қизариши ва оғиз очилишининг чекланиши каби белгилар кузатилди.

Микробиологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларда аэроб ва анаэроб микроорганизмларнинг нисбати сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. Алоҳида эътиборни энг кўп қайд этилган стафилококк штаммлари тортади, улар 30% ни ташкил этди. *Escherichia* 14%, *Candida* туркуми замбуруғлари 12% ни ташкил қилди. Пептострептококк вакиллари, *Streptococcus* spp., *Corynebacterium* spp., *Bacillus* spp., *Micrococcus* spp. эса 10% ҳолларда учраганлиги қайд этилди (1-расм).



**1-расм.** Текширилаётган беморларда ўтказилган микробиологик текширув натижалари.

Микробиологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, вирусли гепатит "В" ўтказган беморларда аэроб ва анаэроб микроорганизмларнинг нисбати назорат гуруҳига қараганда 1,2-1,4 баробар юқори экан. Шундай қилиб, микробиологик текширув натижалари асосий гуруҳдаги беморларнинг микробиологик кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги беморларникидан фарқ қилишини аниқланди.

Ўрганилаётган беморларда бир вақтнинг ўзида маҳаллий иммунитет ҳолати ва нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (НФФ) текширилди. Асосий гуруҳда иммуноглобулин А - IgA ва лизоцим даражаси назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 24,5%, 30,7% ва 16,2% га юқори эканлиги аниқланди. Назорат гуруҳида сўлакнинг иммунологик ҳолатидаги ўзгаришлар 84,0% ҳолларда кузатилди. Бундай ўзгаришлар асосий гуруҳда ҳам аниқланган бўлиб, гепатопротекторларни қабул қилмаётган беморлар текширилганда 96,8% ҳолларда қайд этилди.

#### 1-жадвал

##### Текширилган беморларда иммунитет ҳолатининг кўрсаткичлари.

| № | Кўрсаткичлар | Меъёр     | асосий     | назорат   |
|---|--------------|-----------|------------|-----------|
| 1 | НФФ          | 55,3±1,20 | 52,2±1,47* | 41,9±1,4* |
| 2 | S IgA, г/л   | 2,0±1,1   | 1,7±0,2    | 1,2±0,2   |
| 3 | Лизоцим г/л  | 18,0±0,60 | 15,7±0,83  | 13,5±0,83 |

**Изоҳ:** \* –  $P < 0,05$  меъёрий кўрсаткичларга нисбатан статистик жиҳатдан ишончли кўрсаткичлар

Назорат гуруҳидаги беморларда сўлакнинг носпецифик химоя функцияси сезиларли даражада пасайганлиги аниқланди. Бу ҳолат сўлакнинг лизоцим фаоллиги меъёрга нисбатан ўртача 1,9 баробар камайиб,  $38,5 \pm 2,4\%$  дан  $20,1 \pm 2,3\%$  га тушганида намоён бўлди. Ушбу химоя функциясининг бузилиши микроб хужайраларининг парчаланишини сусайтиради. Одонтоген абсцесс ва

флегмоналар билан оғриган, шунингдек вирусли гепатит "В" ўтказган беморларда иммунитет танқислиги назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,24, 1,30 ва 1,16 марта паст эканлиги кузатилди.

Асосий гуруҳда биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, назорат гуруҳига нисбатан жигар фаолияти билан боғлиқ параметрлар (АЛТ, АСТ, билирубин) ўзгарган. Бу ҳолат ёндош касаллик сифатида сурункали вирусли гепатит "В" мавжудлиги билан боғлиқ эди.

Клиник белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги умумий клиник баллар сони ва умумий йиғиндини ҳисобга олган ҳолда балларда баҳоланди. Текширилаётган беморларда яллиғланиш жараёнидаги клиник белгиларнинг ярадаги иммунологик, биокимёвий ва микробиологик таҳлиллардаги ўзгаришлар билан алоқадорлиги лейкоцитлар интоксикация индекси (ЛИИ) орқали асосланди. Назорат гуруҳида ЛИИ 2,5 ни, асосий гуруҳда эса 3,0 ни ташкил этди. Биринчи кунга келиб, асосий гуруҳда ЛИИ назорат гуруҳига нисбатан 20% юқори эканлиги аниқланди. Умумий ва маҳаллий клиник белгилар биринчи кунда асосий гуруҳ кўрсаткичларидан 73% ва 11% юқори бўлди, бу ҳолат клиник ва лаборатория таҳлилларида ҳам ўз аксини топди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Одонтоген абсцесс ва флегмонаси мавжуд бўлган текширилаётган беморларда клиник белгиларни баҳолаш (балларда).

| Гуруҳлар                                  | асосий гуруҳ   |                |               | назорат гуруҳи |                |                |
|-------------------------------------------|----------------|----------------|---------------|----------------|----------------|----------------|
| Клиник белгилар                           | 1 кун          | 5 кун          | 10 кун        | 1 кун          | 5 кун          | 10 кун         |
| Клиник балларнинг умумий йиғиндиси        | 26,0 $\pm$ 1,0 | 18,0 $\pm$ 1,0 | 7,0 $\pm$ 1,0 | 38,0 $\pm$ 1,0 | 27,0 $\pm$ 1,0 | 17,0 $\pm$ 1,0 |
| Маҳаллий клиник балларнинг умумий миқдори | 36,0 $\pm$ 1,0 | 16,0 $\pm$ 1,0 | 6,0 $\pm$ 1,0 | 40,0 $\pm$ 1,0 | 24,0 $\pm$ 1,0 | 14,0 $\pm$ 1,0 |

*Эслатма: \*-  $P < 0,05$  меъёрий кўрсаткичларга нисбатан статистик жиҳатдан ишончли фарқлар*

Олинган маълумотларга кўра, касалликнинг 10-кунида асосий гуруҳдаги умумий ва маҳаллий клиник белгилар яллиғланиш жараёни даражасини назорат гуруҳига нисбатан 2,4 ва 2,3 кўрсаткичда эканлигини намоён этди.

Диссертациянинг «Одонтоген абсцесс ва флегмоналар билан оғриган беморларда патогенетик асосланган даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида одонтоген абсцесс ва флегмоналар билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳи (50 нафар) ҳамда вирусли гепатит "В" ўтказган беморларни икки гуруҳга бўлиб, комплекс даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Асосий А гуруҳини одонтоген абсцесс ва флегмоналар билан оғриган, вирусли гепатит "В" ўтказган ва анъанавий усулда даволанган беморлар ташкил этди. Асосий В гуруҳидаги 25 беморда эса анъанавий даволашга қўшимча равишда маҳаллий жароҳатни микробларга қарши "декаметоксин" эритмаси билан, иммун тизимига таъсир этувчи "азоксимер бромид" иммуномодулятори ва жигар фаолиятини яхшилашга қаратилган "УДХК" гепатопротектори билан даволаш чоралари қўлланилди. Иккинчи гуруҳдаги барча текширилган беморларда 2-

расмда келтирилган клиник ва лаборатория маълумотларининг қиёсий таҳлили ўтказилди.



**2-расм.** Иккинчи босқичда ўтказилган иккинчи гуруҳ беморларини текшириш алгоритми

